

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИСТИТУТИ

РГБ 0.1

Қулёзма ҳуқуқида

- 6 АЕН 1993

ЁҚУБОВ Исломжон Аҳмаджонович

ОТАЖОН ҲОШИМОВНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ  
ФАОЛИЯТИ

Ю.01.02 – Ҳозирги ўзбек адабиёти

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 1993

ТАДҚИҚОТ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИДА БАЖАРИЛГАН

- Илмий раҳбар: - Ўзбекистон Республикаси Ғанлар академиясининг муҳбир аъзоси,  
филология ғанлари доктори, профессор  
Б.А. НАЗАРОВ
- Расмий оппонентлар: - Ўзбекистонда хизмат курсатган  
ған арбоби, филология ғанлари  
доктори, профессор  
С. МИРВАЛИЕВ
- филология ғанлари номзоди  
Ш. ТУРДИЕВ
- Етакчи илмий муассаса: - Низомий номидаги Тошкент Давлат  
педагогика институти

Ҳимоя 1993 йил " 15 " декабрь соат " 14 " да Ўзбекистон Республикаси Ғанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти ҳузурдаги Д 015.04.21 рақамли докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида утказилади.

(700170, Тошкент шаҳри, И.Муминов кучаси, 9-уй)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ғанлар академиясининг Асосий кутубхонасида (Тошкент шаҳри, И.Муминов кучаси, 19-уй) танишиш мумкин.

Автораферат 1993 йил " 10 " ноябрь да жунатилди.

Ихтисослашган илмий кенгаш котиби,  
филология ғанлари доктори *Раҳимжонов* Н. Раҳимжонов

## ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Назвунинг долзарблиги. Адабий танқид – адабий ҳаётнинг муҳим бир бўлаги. Шунинг учун ҳам унинг тарихини ўрганиш адабиётшунослигимизнинг ўзига хос бир тармоғи сифатида шаклланиб бормоқда<sup>1</sup>.

Танқид тарихини ўрганиш, биринчидан, шу ижод жаҳасининг тараққиёт қонунларини, спецификасини, эстетика ғани ва жонли адабий жараён билан муносабатларини, муайян ижодкорнинг унда тутган ўрнини ёритишга ёрдам беради.

Иккинчидан, танқид – бу "ҳаракатдаги эстетика" (В.Г.Белинский). Танқид тарихи адабиёт назариясининг ва умуман эстетиканинг қатор муаммолари моҳиятини, уларнинг ишланиш тарихини ўрганишга ҳам кўмаклашади.

Учинчидан, адабий танқид бадий ижод амалиёти билан узвий боғлиқликда ривожланади ва улар қайсидир даражада бир-бирининг қийёфасини ҳам белгилайди. Бинобарин, танқид тарихини ўрганиш адабиёт тарихини тадқиқ этишда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Адабиётшунослигимизда танқидчилик билан шўғулланган айрим ёзувчи-шоирлар ва олимларнинг ижодий портретлари<sup>2</sup> яратилган бўлса-да, профессионал танқидчилар ижодини таҳлил этувчи махсус тадқиқотлар нисбатан оздир. Танқид тарихининг ўзига хос, мураккаб саҳифаси сифатида 20–30-йиллар адабий танқидчилиги мана шу йўналишдаги тадқиқотлар учун ҳам ниҳоятда бой материал бера олади.

Бироқ адабий танқид тарихининг бу даврини ўрганишни қийинлаштирувчи қатор омиллар мавжуд. Адабий танқидчилигимизнинг тамал тошини қўйган мунаққидлар асарларининг махсус низоҳлар билан жорий ёзувда қайта нашр этилмаганлиги, 20–30-йиллар матбуотининг тўла-тўқис етиб келмаганлиги, 20-йилларда Ҷаолият курсат-

<sup>1</sup> Қаранг: Ёқубов Ҳ. Танқид ва адабиётшунослик тарихига бир назар. – Адабиётшуносликнинг янги асри. Тўплам. I-китоб. Тошкент, 1967; Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги: гоҳийлик, метод, қаҳрамон. Тошкент, 1979; Умуров Ҳ. Ўзбек адабий танқидида маҳорат проблемаси. ҚД. Тошкент, 1970; Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 2 томлик. Тошкент, 1987; Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. Тошкент, 1990; Матбуотимиз фидойилари. Тўплам. Тошкент, 1991.

<sup>2</sup> Назаров Б.А. Ўзбекистонда марксча-ленинча адабий танқиднинг қарор топишида Ўзбекнинг роли. ҚД. Тошкент, 1971; Абдуллаев О. Мақсуд Шайхонданнинг адабий-танқидий қараслари. ҚД. Тошкент, 1981; Шокиров У. Творческая индивидуальность критика и историко-литературный процесс. АД. Ташкент, 1987.

ган адабий ташкилот, тўғарак ва уюшмалар фаолиятининг етарлича урганилмаганлиги, ўша давр мафкуравий ҳаётига муносабатда муайян андаза ва қолиплардан воз кеча олмаслик кабилар шулар жумласидандир. Фақат шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий ҳаётимизнинг янги ўзганга тушиши ва барча воқеа-ҳодисалар ҳақидаги қарашларимизнинг тубдан ўзгариб бораётгани танқид тарихини янгича асосларда урганиш ишига ҳам самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

20-30-йилларда профессионал танқидчи сифатида қалам тебратган В.Маҳмуд, А.Фитрат, М.Солиҳов, А.Саядий, О.Ҳошимов, С.Ҳусайн, О.Шарафиддинов (Айн), адабиёт илмига улардан кейин кириб келган Ҳ.Ёқубов, И.Султонов, Б.Қаримов, Ю.Латиф, Ю.Султонов каби адабиётшунослардан ҳар бирининг ҳаёти, ижодий фаолияти, илмий-назарий қарашлари ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ишдан кўзланган асосий мақсад О.Ҳошимовнинг адабий-танқидий фаолиятини муайян муаммолар нуқтаи назаридан таҳлил этишдан иборат. Бу мақсаддан келиб чиқувчи вазифалар:

1. О.Ҳошимов "Таржимаи ҳол"ининг айрим уринларини тўлдириш ва қайта идрок этиш.

2. 20-30-йиллар ижтимоий-адабий ҳодисаларини давр талабига қанчалик мослиги ва илмий жиҳатдан нечоғли тўғрилиги, шунингдек, адабий танқид тарихидаги ўрни нуқтаи назаридан урганиш.

3. О.Ҳошимов ижодининг тарихий давр билан боғлиқ томонларини ойдинлаштириш ва таҳлил этиш.

4. О.Ҳошимовнинг ижодкор сифатидаги яхлит киефасини тиллашга ҳаракат қилиш.

5. О.Ҳошимовнинг ўз даври танқидчилигида тутган ўрнини аниқлаш орқали танқид тарихининг айрим муаммоларига муайян муносабат билдириш.

Тадқиқотнинг объекти. Ишга қатагон даврининг қурбони, истеъдодли файласуф, адабиётшунос, фольклоршунос, тилшунос олим, мунаққид ва таржимон, йирик жамоат арбоби Отажон Ҳошимов (1905-1938)нинг адабий-танқидий фаолияти тадқиқот объекти қилиб олинган. Лекин қўйилган масалаларнинг табиатида келиб чиқиб, биз ўрни билан 20-30-йилларда ижод қилган бошқа танқидчи ва адабиётшуносларнинг ишларига ҳам мурожаат этамиз.

Тадқиқот билан танила боқилган ҳар бир киши олдида: "20-

30-йилларда ўнлаб ижодкорлар адабий танқид билан шугулланган эди, нега улар ичидан айнан О.Ҳошимов ижоди текшириш объекти сифатида танлаб олинди?"- деган савол кўндаланг бўлиши мумкин.

Биринчидан, О.Ҳошимов уша йилларда ижод қилган илк профес-  
сионал танқидчилардан бири эди. А.Фитрат энг етуқ намоёнчаси ҳисобланган авлод вакиллари адабий танқид билан ҳам фаол шугулланган бўлсалар-да, улар ижодида адабиёт тарихига бағишланган ишлар асосий ўрин тутди.

Иккинчидан, О.Ҳошимов "20-30-йиллар ижтимоий тафаккури, маданий ҳаёти ва адабий жараёнининг бошида турган"<sup>1</sup> йирик сий-  
модир. У 1926-1929 йилларда Ўзбекистон жумҳуриятининг Бош Ил-  
мий Кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатган, 1933 йилдан  
машғум 1937 йилгача Ўзбекистон Халқ Комиссарлиги қошидаги Фан  
Қўмитасининг биринчи раиси ва раис ўринбосари, шу қўмита қоши-  
да ташкил этилган Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтининг  
биринчи директори сифатида иш олиб борган, 1936 йилдан Фан Қў-  
митасининг ҳақиқий аъзоси ва маълум муддат Ўзбекистон Ёзувчилар  
ўюшмасининг хайъат аъзоси, адабий танқид шўбасининг мудрири хи-  
собланган. Филология фанлари номзоди, Беруний мукофоти соврин-  
дори Н.Ф.Каримов ёзганидек: "Отажон Ҳошим шу вақтгача стихийли  
тарзда шаклланаётган ўзбек адабиётшунослиги, тилшунослиги ва  
фольклоршунослигининг энди мустақил фан сифатида расмийлашуви,  
муайян илмий муаммоларни ҳал этишга киришуви ва амалий натижа-  
лар беришида муҳим роль уйнади"<sup>2</sup>.

Учинчидан, Отажон Ҳошимовнинг адабий-танқидий фаолияти ва  
мероси бутун зиддиятлари ва мураккабликлари билан шўро даври  
адабий танқидчилигининг табиатини, етакчи тамойилларини тўғри  
тушунишга ёрдам беради.

Мана шу сабабларга кўра, биз ўз ишмишни Отажон Ҳошимов-  
нинг адабий-танқидий фаолиятига бағишланган қарор қилдик.

Масаланинг ўрганилиш тарихи. О.Ҳошимов ҳақидаги илк маъ-  
лумотлар у ҳаётлик чоғидаёқ кўзга ташлана бошлаган эди<sup>3</sup>. Кейин-

<sup>1</sup> Отаев Р., С.Ҳаким. Ҳайрат ва таҳсинга сазовор умр. -"Со-  
вет Ўзбекистони", 1990, 20 апрель.

<sup>2</sup> Каримов Н. Энди гўлга кирганда. -"Қишлоқ ҳақиқати", 1990,  
17 апрель.

<sup>3</sup> Қаранг: Отажон Ҳошим - журналнинг бош муҳаррири. -"Социа-  
листик илм ва техника", 1933, 2-3-сонлар; 1935, 3-сон; Хроника  
Союза писателей Узбекистана (кн.3). 1935, с.134; Литературнал  
хроника (кн.3-4). -"Литературний Ўзбекистан", 1935.

чалиқ узоқ йиллар давсида унинг номи тилга олинмади. 1957 йил 9 май куни СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси унинг ўс-тидан 1937 йилда кўзгатилган суд ишини таркибидан жиноий хара-кат йўқлиги тўғрисида бекор қилди. Шу боис 1960 йиллардан эъти-боран 20–30–йиллар билан боғлиқ баъзи илмий ишларда у ҳақда ҳам муайян фикрлар айтилди<sup>1</sup>. 1967 йилга келиб Москвада чоп этилган "История узбекской советской литературы" китобининг бир неча бўлимида О.Ҳошимов ҳақида маълумотлар берилди<sup>2</sup>. "Ада-биётимизнинг ярим асри" номли шу йили чоп этилган мақолалар тўпламида филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Ёқубов А.Саъ-дий ва О.Ҳошимовни услуб ва метод масаласини тушунишда бир-бирига яқин позицияда турган ижодкорлар сифатида баҳолади<sup>3</sup>. 1975 йилга келиб О.Ҳошимовнинг таваллудига 70 йил тўлиши муно-сабати билан Ҳ.Ёқубов салмоқли мақола билан чиқди. Унда олим ҳаёти, ижоди, илмий қарашлари ҳақида атрофлича маълумот берил-ди. Муаллиф О.Ҳошимовни "Ўзбек маданияти пойдеворини қуришда фаол қатнашган... ташкилотчилик қобилияти ва илмий диапазонни кенг, эрудицияли олимлардан эди"<sup>4</sup>, – деб, унинг илмий ижодиётини эса ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг тараққиётидаги маълум бир босқични акс эттиради<sup>5</sup>, – деб баҳолади.

Айни замонда Отажон Ҳошим ижодидаги қарама-қаршиликлар ҳам Ҳ.Ёқубовнинг синчков назаридан четда қолмади<sup>6</sup>.

Кейинчалик бир қанча қомусларда О.Ҳошимов ҳақида маълумот-лар берилди<sup>7</sup>. Ҳ.Ёқубов ўз "Сайланма" асарларининг бир неча

<sup>1</sup> Қаранг: Ахмедов А. Из истории марксист-ленинской фило-софии в Советском Узбекистане (1917–1928). ҚД. Ташкент, 1963.

<sup>2</sup> Қаранг: История узбекской советской литературы. М., 1967. –С. 40–41, 68, 112–113.

<sup>3</sup> Ёқубов Ҳ. Танқид ва адабиётшунослик тарихига бир назар. – Адабиётимизнинг ярим асри. Мақолалар тўплами. Тошкент, 1967, 369–бет.

<sup>4</sup> Ёқубов Ҳ. Атоқли олим ва ташкилотчи. – "Ўзбек тили ва адабиёти", 1975, 3–сон, 16–бет.

<sup>5</sup> Ёқубов Ҳ. Шу мақола. 21–бет.

<sup>6</sup> Қаранг: Ёқубов Ҳ. Шу мақола. 18–бет.

<sup>7</sup> Ўзбек совет энциклопедияси. 8–том, 313–бет. Тошкент, 1976; 12–том, 18–19–бетлар. Тошкент, 1979; 14–том, 571–572–бетлар. Тошкент, 1980; Большая советская энциклопедия. М., 1977; Т.26, с.510; Тошкент энциклопедияси. Тошкент, 1983. 411–412–бетлар; Узбекская ССР. Ташкент, 1981, с.338; 305–351; "Советская ли-тература" – с.381.

Уринларида ҳам бу сиймо ҳақида тўхталиб ўтди<sup>1</sup>. Файласуф олима Ҳ.А.Зиёвуддинова О.Ҳошимов фалсафий қарашлари ҳусусида муайян фикрлар билдириш<sup>2</sup>.

Адабиётшунос Қ.Орипов Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган "Алангали йиллар адабиёти" китобида адабий ташкилотлар, матбуот, адабий мерос, халқ поэтик ижоди каби масалаларга тўхталар экан, О.Ҳошимов номини ҳам четлаб ўтмайди<sup>3</sup>.

Адабий танқидчилик билан жиддий шугулланган олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Б.А.Назаров ҳам уз асарларида О.Ҳошимовнинг ижодий фаолиятига катта ўрин ажратди. У мунаққид ижодини собиқ Иттифоқ танқидчилигига хос бўлган тамойиллар, адабиёт ва нуқсонлар билан боғлашга интилди<sup>4</sup>.

Шуни қайд этиш керакки, 70-йилларда қалам тебратган аксарият адабиётшуносларимиз қатори Б.Назаровнинг ҳам тилга олиб ўтилган ишларида ўз даври учун муайян аҳамиятга эга бўлгани ҳолда бугунги кунимиз талабларига тўла жавоб бера олмайдиган ҳулосалар учрайди. Албатта, бу мунаққиднинг ихтимоий ҳаёт оқими ва ҳукмрон мафкура талаблари билан ҳисоблашиши оқибати сифатида изоҳланиши керак. "У (яъни О.Ҳошимов - И.Ё.) сўзбоши ёзган Фитратнинг "Ўзбек адабиёти намуналари" китобидан Лутфий, Навоий, Бобур асарлари қатори диний-мистик адабиёт вакиллари ижодининг ўрни олиши ҳам О.Ҳошимов ижодидаги назарий камчиликларнинг оқибати эди"<sup>5</sup>, - деб ёзади олим.

1983 йили академик Ё.Турақуловнинг "Қомусий зиё таратиб"<sup>6</sup> номли мақоласида, шунингдек, филология фанлари доктори, профессор Э.Қаримовнинг кейинроқ чиққан тадқиқотида<sup>7</sup> О.Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида айрим фикрлар билдирилди. Мунаққид ҳаёти,

<sup>1</sup> Ёқубов Ҳ. Сайланма. I-жилд. Тошкент, 1983, 252-289, 290-315-бетлар.

<sup>2</sup> Зиёвуддинова Ҳ.А. Становление марксистско-ленинской идеологии в Узбекистане. Ташкент, 1983. -С. 76,156,167-169; Зиёвуддинова Ҳ.А. Из истории утверждения идей ленинизма в Узбекистане. Ташкент, 1977. -С. 70, 71, 73.

<sup>3</sup> Орипов Қ. Алангали йиллар адабиёти. Тошкент, 1978, 85-89-бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: Назаров Б.А. Ўзбек адабий танқидчилиги: ғоявийлик, метод, қаҳрамон. Тошкент, 1979, 80-84, 139-140, 155, 175-176, 178, 203-204, 280-бетлар.

<sup>5</sup> Назаров Б.А. Уша асар. 204-бет.

<sup>6</sup> Қаранг: "Ған ва турмуш", 1983, II-сон, 15-16-бетлар.

<sup>7</sup> Қаранг: Қаримов Э.А. Реализм узбекской демократической литературы. Ташкент, 1986, с.6.

ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақида обзор характеридаги маълумотлар берувчи материаллар Ўзбекистон Фанлар академияси тўпламларидан ҳам урин олди<sup>1</sup>.

Бу сиймо ҳақида батафсилроқ тўхтаб утилган асарлар сирасига кўп жилдли "История узбекской советской литературы" китоби<sup>2</sup> ҳамда икки жилдли "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" тадқиқотини<sup>3</sup> киритиш лозим.

"Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" тадқиқотида О.Ҳошимов 20-30-йиллар адабий жараёнига сезиларли таъсир кўрсатган мунаққид сифатида тилга олинди<sup>4</sup>. Бироқ ишда О.Ҳошимовнинг синфийлик мезонларида собит туриши "замон руҳини яхши тушунтиш"<sup>5</sup> сифатида баҳоланди, унинг партиявийлик масаласига "алоҳида эътибор" билан қараш ижобий самаралар берганиги таъкидланди<sup>6</sup>, олимнинг фалсафий қарашлари тўлиғича "асосли ва тўғри фикрлар"<sup>7</sup> сифатида таърифланди, унинг Г.В.Плеханов, А.В.Луначарский, А.Икромов каби идеологлар қарашларига тўғридан-тўғри эргашини танқидий тафаккур ривожига янги қадам деб ҳисобланди<sup>8</sup>.

Фикрмизча, тадқиқот муаллифлари О.Ҳошимовнинг адабий мерос устида ишлаш ҳақидаги фикрларини ҳам етарлича тўғри ёритмаганлар. О.Ҳошимов чиндан ҳам адабий меросдан фойдаланишни уч босқичли жараён сифатида талқин қилган. Мазкур икки жилдлида кўрсатилишича, улар:

1. Маданий меросни диққат билан ўрганмиш.
2. Ундан керакли жойларини танлаш.
3. Танланган материалларни марксистик нуқтаи назардан ишлаб чиқиш<sup>9</sup>.

Хуш, биз бу қайдларнинг қаерига эътироз билдиришимиз?

<sup>1</sup> Академии наук Узбекской ССР. Ташкент, 1983. -С.216.

<sup>2</sup> Қаранг: История узбекской советской литературы. Т.1. Ташкент, 1987. -С. 81-82, 214-215, 345, 372, 377.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. I-том. Ташкент, 1987. 20, 39, 42, 54, 76, 83, 129, 134-135, 139-145, 149-151, 160, 163, 186, 190, 199-бетлар.

<sup>4</sup> Шу китоб. 42-бет.

<sup>5</sup> Шу китоб. 54-бет.

<sup>6</sup> Шу китоб. 76-бет.

<sup>7</sup> Шу китоб. 76-бет.

<sup>8</sup> Шу китоб. 141-бет.

<sup>9</sup> Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. I-том. Ташкент, 1987, 141-бет.

Масаланинг бутун моҳияти иккинчи пунктнинг қандай тушуни-лишида. Икки жиҳдлик муаллифлари, бизнингча, "маданий меросдан керакли жойларни танлаш" деган жумлани "бизнинг мафқураимизга тўғри келадиган жойларни танлаш" деган маънода тушунганлар. Ҳолбуки, О.Ҳошимов адабий мерос намуналарини тўплаш ва нашр этишда мафқуравий нуқтаи назардан "танлаш" масаласини кун тартибига қўймаган эди. Яссавий ва Боқиргоний ижоди "мистик" адабиёт тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берадими? Демак, улар керак.

Хуллас, олим фикрича, маданий мерос олдин иложи борича тўла нашр этилиши, "қайта ишлаш" эса кейинги босқичда мутахассислар томонидан амалга оширилиши керак эди. А.Фитратнинг О.Ҳошимов таҳрири остида чиққан "Ўзбек адабиёти намуналари" китоби мундарижасини кўзатиш фикримизга далил бўла олади. Унда "Алпомиш" дostonи, Ўрхун-Энасой битиклари, "Дада Қўрқут" китоби, "Девону лугатит-турк" дан парчалару мумтоз адабиётимиз намояндалари Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқиргоний, Дурбек, Лутфий, Атоий, Навоий, Бобур асарларидан намуналаргача берилганлиги мазкур материалларнинг мафқуравий нуқтаи назар асосида "танлаш" босқичидан ўтмаганлигидан гувоҳлик беради.

О.Ҳошимов таваллудига 85 йил тўлиши санаси яқинлашган сари олимлар, журналистлар мунаққиднинг замондошлари, маҳалладошлари, кекса матбуот ходимлари ва ёзувчи-шоирлар унинг ижодини маърифийлик нуқтаи назаридан тарғиб қилиш ва иқтимоий фаолиятини ёритиш шини бирмунча жонлантириб юбордилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Турдиев Ш. Танқид "душман" излаганда. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1988, 12 август; Турдиев Ш. Ўзбекистон Пушкиниана. - "Комсомолец Ўзбекистана", 6 июня 1989 г.; Турдиев Ш. Отажон Ҳошим ким бўлган? - "Йил куч", 1989, II-сон; Турдиев Ш. Отажон Ҳошимов. - "Ўзбек тили ва адабиёти", 1990, 3-сон; Турдиев Ш. Ўзбек Плекханови. - "Ўқитувчилар газетаси", 1991, 17 январь; Азизов С. Бу кунларни кўрмаганлар бор... - "Душоҳада", 1984, 4-сон; Валиев Т. Мухаррирга мактублар. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1989, 8 сентябрь; Валиев Т. Талаб ва ихро. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1989, 17 ноябрь; Пулатов А. Отажон Ҳошимов қисмати. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1989, 31 март; Саъдий М. Адабий замондошларимиз. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1989, 26 май; Хайруллаев М. Маданиятларнинг ноёб ҳамкорлиги. - "Совет Ўзбекистони", 1989, 10 февраль; Рустамов Т. Менинг жафоқаш мураббийларим. - "Совет Ўзбекистони", 1989, II февраль; Пулатов А. Порлоқ хотира. - "Совет Ўзбекистони", 1989, 4 май; Москн К. Прикосновение к судьбе. - "Правда Востока", 5 марта 1989 г.; Летинская Л. Вечер памяти. - "Вечерний Ташкент", 10 февраля 1989 г.; Махмудов М. Тарих ҳақиқатни талаб қилади. - "Тошкент оқишони", 1989, 9 декабрь; И.Раҳим. Ҳалқ енгилмас. - "Тошкент оқишони", 1989, 31 март; Қаршибоев М. Тўқсанга ўт қатан... - "Йиллик", 1988, 12-сон.

1990 йил апрель ойида О. Ҳошимов таваллудининг 85 йиллиги республикада кенг нишонланди. Республика илмий жамоатчилиги олимнинг ижтимоий-адабий фаолиятига уз баҳосини берди<sup>1</sup>.

О. Ҳошимовнинг жиани, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Жонрид Қосимов қарийб уттиз йиллик умрини бахшида этиб, тоғасининг ҳаёти ва ижтимоий-ижодий фаолияти бўйича тўплаган ҳужжатлар кўплаб олим ва журналистлар учун, жумладан, биз учун ҳам қимматли материал бўлиб хизмат қилди.

Қуринадики, О. Ҳошимов ҳаёти ва ижоди қатор ишларда таҳлил этилган. Улар монографик планда тадқиқотлар олиб бориш учун муайян замин ҳозирлади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси. Ишда назарий-методологик асос сифатида М.Б. Ҳрапченко, А.С. Бушмин, В.И. Кулешов, Ю. Андреев каби рус ва И.О. Султонов, М.Қ. Қўшонов, Ҳ.И. Ёқубов, С.М. Мамажонов, Б.А. Назаров каби ўзбек олимларининг танқид тарихини ўрганишга бағишланган тадқиқотларига суянилди. Умуман, илмий идрокнинг йуллари, воситалари, йусинлари ҳақида биз таниша олган бошқа фикрлар, шунингдек, шўро мафқураси ҳақида сунгги йилларда эълон қилинган кўпдан-кўп материаллар ҳам тадқиқотнинг назарий-методологик асосини белгилаб олишимизга ёрдам берди.

Тадқиқотнинг илмий аниқлиги. Адабиётшунослигимизда шу пайтгача Б.А. Назаров, О. Шарафиддинов, О. Абдуллаевларнинг юқорида номлари саналган тадқиқотлари, шунингдек Ў. Шокировнинг И.О. Султонов ижодига бағишланган ишнини ҳисобга олмаганда, 20-30-йиллар назарий-методологик асосини атрофлича илмий тадқиқот яратилгани йўқ.

<sup>1</sup> И. Султон. Ёш маданиятимиз саркардаси. - "Совет Ўзбекистони", 1990, 15 апрель; Қаримов Р. Аспирантура хотиралари. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990, 6 апрель; Қаримов Н. Энди гулга кирганда. - "Қишлоқ ҳақиқати", 1990, 1 апрель; Қаримов Н. Икки дарға. - "Тулистон", 1990, 9-сон; Шарафиддинов О. Отажон Ҳошимов: шахсияти, тақдири, ижоди. - "Шарқ қилдузи", 1991, 2-сон (Маъқур мақола муайян ўзгартишлар билан олимнинг "Истиклол фидойилари" туркумида 1993 йили Тошкентда чиққан "Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим" китобидан ҳам ўрин олган). Дўстқораев Б. Маданиятимизнинг йирик аربоби. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990, 13 апрель; Дўстқораев Б. Маданиятимиз конкюри эди. - "Тошкент ҳақиқати", 1990, 17 апрель; Қосимов К. Ҳўқмдан аввал отилган. - "Ған ва турмуш", 1990, 4-сон; Рўстамов О. Приговорен к бессмертию. - "Правда Востока", 18 апреля 1990 г.; Отаев Р. Комиссия йиғилиши. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1989, 22 декабрь; Отаев Р. Қалдирғочнинг қайрилган қанотлари. - "Ёш ленинчи", 1990, 18 апрель; Отаев Р., С. Ҳаким. Ҳайрат ва таҳсинга сазовор умр. - "Совет Ўзбекистони", 1990, 20 апрель; Қўчқоров Р. Илм нури. - "Тошкент оқшоми", 1990, 18 апрель.

## II

Биз ушбу йилда О.Ҳошимов ҳаёти ва ижодини бирламчи манбалар асосида ўрганиш баробарида 20-30-йиллар адабий танқидчилигининг муайян зиддият ва тамойилларини ҳам кўздан кечирдик.

Адабий танқид тарихи бўйича 60-йиллардан 90-йилларгача яратилган ишларда бугун қайсибир жиҳатлари билан давр талабига жавоб беришга охири сулиб қолган назарий ҳулосалар борки, ишмизда уларга ҳақиқат, адолат нуқтаи назаридан баҳо беришга ҳаракат қилдик.

Ишнинг илмий янгилигини мана шу жиҳатлардан излаш мумкин.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ҳулосалари ўзбек адабий танқиди тарихини ўрганишда, хусусан, профессионал танқидчилар ижодини тадқиқ этишда, бир қатор назарий масалаларга ойдинлик киритишда ўзига хос аҳамият касб этиши мумкин.

Диссертация материалларидан филология факультетлари учун дарслик ва қўлланмалар яратишда, методик тавсиялар тузишда, қолаверса, бевосита О.Ҳошимов асарларини чоп эттиришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг жорийланиши. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидagi Адабиёт институтининг XX аср ўзбек адабиёти, таржима назарияси ва адабий алоқалар, адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараён бўлиmlарининг қўшма мажлисида муҳокамадан ўтказилиб, ҳимоятга тавсия этилган.

Ишнинг тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

### Ишнинг асосий мазмуни

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилади ва тадқиқотнинг объекти, мақсад ва вазифалари, назарий-методологик асоси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, жорийланиши, тузилиши, шунингдек, масаланинг ўрганилиш тарихи ҳақида маълумот берилди.

Биринчи боб "Отакон Ҳошимовнинг ижтимоий-илмий фаолияти" деб номланган. У "Илк илмий ва ижтимоий фаолият", "Таниқли олим ва йирик ташкилотчи", "Олим илмий меросига умумий назар" деб номланган уч қисмдан иборат.

Дастлабки қисм О.Ҳошимовнинг 1924 йилнинг 2 ноябрида рус тилида ёзган "Таржимаи ҳоли"ни ўрганиш ва таҳлил этиш билан бошланади. Олим унда: "Мен - деҳқон ўғлиман. Миллатим - ўзбек. 1905 йилда туғилганиман. 1918 йилга қадар отам билан деҳқончилик

қилдим"<sup>1</sup>,— деган жумлаларни битган.

Лекин 1934–1937 йиллар оралигида унинг қўл остида ишлаган собиқ хизматчи, ҳозирда кекса нафақахўр Борис Александрович Алисевнинг хотираларида қўйидаги маълумотлар келтирилади: "Отажон Ҳошимов — Тошкентда, Эски шаҳарда яшаган ўзига тўқ савдогарнинг ўғли. Унинг отаси — Ҳошим савдогар ўз замонасининг илғор фикрли кишиси эди. Шу боисдан ҳам ўғли Отажоннинг чет тилларини мукаммал ўзлаштириши, янгича идора усулини ўрганиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида аҳамият берди.

У етти-саккиз яшар ўғли Отажонни Жуковский кўчасида яшовчи кадет корпусининг офицери Иван Алексеевич Трифанов ва унинг рафиқаси Ольга Тимофеевна Трифанова оиласига асранди ўғил ва шогирд сифатида тарбиялашга тоширган эди"<sup>2</sup>.

О.Ҳошимов ўзининг савдогар ўғли эканлигини нега яширди экан? Бизнингча, "янги" тузумнинг ишчи-деҳқондан бошқа ҳар қандай табақага потенциал душман деб қараш сиёсати билан ҳисоблавиш, унинг имтиёзларидан имкон қадар фойдаланиш ва "синфий душман" деган тамгага рўбарў булмаслик ҳислари ун тўққиз яшар ўспиринни шундай йул тутушга мажбур этган.

О.Ҳошимовнинг шахс сифатида шаклланишида отасидан ва тутинган ота-онаси Трифановлардан ташқари яна кимнинг беминнат хизматлари бор? О.Ҳошимов 1922 йилдаёқ Москвага жўнатилар экан, ҳар йили ёзги таътилда масъул ишларга жалб этилиб, "иш ўрганиш" босқичини ўтайди. 1926 йилнинг июнь ойида Ўзбекистонга чақириб олиниб, Бош Ишвий Кенгаш раиси этиб тайинланади. Мазкур ишларнинг бошида Халқ Маориф Комиссарлиги ёки, бошқачароқ айтганда, маҳаллий зиёлиларга алоҳида аҳамият берган, улар фаолиятини зийраклик билан кузатиб борган ва кези келганда жасорат билан ҳимоя қилган инсон — Файзулла Ҳужаев турарди.

Бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам айтиб ўтилганидек, 20–30-йилларда яшаб ижод этган зиёлиларни икки гуруҳга ажратиб қараб мақсадга мувофиқдир:

1. Октябрь тўнтарышигача дунёқараши шаклланган, ҳар икки тузумни чўғштириш имконига эга бўлган авлод.

<sup>1</sup> ЦГАОР СССР. Фонд № 5284, опись № I, ед.хр. 178.

<sup>2</sup> Алексеев В.А. О.Ҳошимов таваққулининг 85 йиллиги муносабати билан Ҳ.Овезжон номидаги Адабиётчилар уйида ўтказилган еттинчи кечда сўзланган нутқ. (Нутқ расмий равишда илк бор эълон қилинмакда).

2. Бевосита шу тузум тарбиялаб вояга етказган, шу даврда кўз очиб дунё таниган авлод.

1925 йил 18 июнь резолюцияси адабий ҳаётни муайян қолипга солиш қоидаларини қонунлаштирди. Натижада анъанавий тамо-йиллар руҳида тарбияланган кекса авлод вакиллари ҳам "марксни"-лар билан умумий тил топишга ҳаракат қилдилар.

О.Ҳошимов кекса авлод вакилларида фарқ қилароқ, шунчаки келишувчанлик йўлини тутмади, балки ижтимоий-сиёсий, адабий-илмий ҳаётга фаол аралашди, унинг йулбошчиларидан бирига айлан-ди.

Ўз илмий фаолиятини 1925 йилда, ижтимоий фаолиятини эса 1926 йилда бошлаган О.Ҳошимов 30-йилларнинг бошида бир томондан забардаст олим, иккинчи томондан йирик раҳбар ходим сифати-да эътибор қозонган эди.

Олим сифатида у ўз даврининг таниқли адабиётшунослари - О.Шарафиддинов (Айн), У.Эшонхўжаев, М.Ромиз, А.Айюб, А.Ҳудой-баҳтов, С.Ҳусайн, Р.Мажидий, У.Исмоилов кабиларга нисбатан бир-мунча кучли назарийгчи эди. Шу боисдан ҳам проблематик масала-ларда энг сўнгги сўзни айтиш кўпинча унинг зиямасида бўлган. Албатта, олимнинг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи ҳам шунга тақо-зо қилган.

Диссертацияда О.Ҳошимовнинг йирик раҳбар ва ташкилотчи си-фатида Самарқанд Педагогика институтини, Тошкентда Тил ва ада-биёт илмий-текшириш институтини ташкил қилиш, Ўзбек имлосини лотин ёзувига кўчириш, республикада давлат қарамогидagi расмий филология илмини оёққа тургазиш, кекса ва ёш истеъодларни қўл-лаб-қўвватлаш, замонавий таржимачиликни шакллантириш борасидagi хизматлари кенг ёритилган.

Биз ижодини ўрганаётган сиймо қисматининг шундай бир томо-ни борки, у олимга муносабатни белгилаб олишда шак-шўбхасиз эътиборга олинishi керак. О.Ҳошимов истибодга асосланган сиё-сатнинг тобе жумҳуриятлардаги энг ишончли кишиларидан, генерал мундиридаги содиқ солдатларидан бири ва айни замонда унинг қўр-бони эди. Тўғри, истибод қўрбони бўлганлиги унинг фаолияти ва қарашларидаги камчилик ва нуқсонларни тўла оқлашга асос бермай-ди. Лекин масаланинг бошқа томонлари ҳам бор. Биринчидан, муд-ҳиш сиёсатнинг тиги парронлари унинг пешонасини нишонга олган пайтда у бор-йўғи 32 ёшга кирган, атиги 10 йил ижтимоий-илмий фаолият билан шуғулланган ёш бир истеъод эди. Шу буронлардан

омон қолганида, эҳтимол, маданиятимиз, ғанимиз ривожига халқ асрлар бўйи Ҳахрланиб юрғулик ҳисса қўишиши ҳам мўмкин эди. Иккинчидан, О.Ҳошимов бўгўн тарих ѳзидан сиқдириб ташланган сиқсатга, мафқўрага хизмат қилгани билан ўнинг ашаддий тарафдорларидан эмас эди, қолаверса, фидоий бир инсон эди. Унинг судланиши ва йўқ жиноятлари учўн жазога тортилши саҳналари ўша даврнинг ўзи каби мўдҳишдир. I бобнинг иккинчи қасли мана шў мўдҳиш фактлар таҳлили билан яқўнланади.

О.Ҳошимовдан бизга ў қадар катта ижодий мерос қолган эмас. Унинг рисола ҳолида босилиб чиққан ўчта иши бор. Улардан бири - "Давлат тўғрисида парчалар" (Ўзнашр, Самарқанд-Тошкент, 1928), иккинчиси - "Ўзбек пролетар адабиётининг бир неча ижодий масалалари" (ЎзСШ Давлат нашриёти. Тошкент-Самарқанд, 1933), ўчинчиси эса "Пролетариат ва чигатой адабиёти" (Тошкент, 1928) деб номланади. Ғ.Олим ва Сербов билан ҳамкорликда ёзилган "Учкўн" (Эски алифбеда саводлилар ўчўн янги алифбе ва ўқиш китоби-1928) дарслигини ҳам шў гўрўхта киритиш мўмкин.

Олим меросининг қолган қисмини 50 га яқин мақола ва тақризлар, илмий ҳаётга бағишланган публицистик характердаги чиқишлар ташкил этади. Улар ичда айримлари қўйилган масалани атрофлига қамраб олиши, дастурий характери, давр маданий ҳаётдаги принципал аҳамияти ва ўз салмоқдорлигига кўра юқоридан санаб ўтилган рисолалар билан бир ўринда тўра олади. Булар - "Ўзбек фольклори тўғрисида" (1935), "Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари ҳақида" (1936), "Ўзбек адабий тили ва унинг имлоси ҳақида" (1933), "Евгений Онегин" таржимаси ҳақида" (1937) деб номланган ишлардир.

Олимнинг бу икки рисоласи ва ўз аҳамиятига кўра ўлар билан бир қаторда турши мўмкин бўлган мақолалари унинг фикрини бағд этган бош масалалар ҳақида тасаввур бера олади. Мунаққид шў ишларнинг қайсидир бири атрофида бирлашиб бир тўрқўмни ташкил этадиган қатор мақолалар ёзган.

"Давлат тўғрисида парчалар" марксизм-ленинизм асосларига бағишланган йирик иш бўлиб, бу таълимотнинг бошқа қирралари "Диалектика ҳам диалектика ўсулида ўйлаш" (1925), "Давлат тўғрисида марксизм фикри" (1926), "Давлатсиз жамият", "Давлатнинг чиқиши" (1926), "Пролетариат ҳокимияти" (1927), "Давлатнинг ўлиши" (1927), "Биринчи майнинг ўч шори" (1927), "Маркс пролетариат ҳокимияти тўғрисида" (1927) каби мақолаларда ёритилган. Бу ишлар ҳам хронологик жиҳатдан, ҳам фалсафий асос нуқтаи назаридан олим ижодининг илк саҳифасини ташкил этади.

Булардан ташқари, олимнинг умуман пролетар маданиятига бағишланган "Ўзбекистонда илмий ишлар" (1927), "Ленин ва маданий инқилоб" (1929), "Яна бир муваффақият" (1927) каби мақолалари бор.

"Ўзбек фольклори тўғрисида" деб номланган тадқиқотдаги ҳоллар, бизга ҳозирча маълум фактларга қўра, фақат биргина ишда – "Ўзбек фольклорида Ленин образи" (1935) деган мақолада ривожлантирилган ва алоҳида асар таҳлилига тадбиқ этилган.

Умр бўйи олимнинг диққат марказида турган навбатдаги масала – ўзбек тили ва илоси муаммоларидир. Бу муаммога О. Ҳошимов уч йиллик ишини бағишлаганлигини кўриб ўтдик. "Қизил йул" (янги ўзбек лотин алифбосини ўрганиш учун)" (1927), "Боку пленумининг натижаси" (1927) каби ишлар ҳам шу туркумга киради.

О. Ҳошимов ижодининг ўзак муаммоси – ўзбек пролетар адабиёти масалалари айтиб ўтилган рисоладан ташқари, "Ўзбек пролетар адабиёти учун курашмоқ керак" (1930), "Ўзбек шуро адабиётида пролетар дунёга қарашини ағаллаш ҳамда ундаги касалликлар ва чет таъсирлар билан курашши масалалари" (1932), "Адабиётда идеализмга ҳам қўзғўяшга қарши" (1931), "Ўзбек пролетар адабиёти учун курашнинг бир неча масалалари" (1931) каби мақолалардан ўрин олган.

О. Ҳошимов – ўзбек таржимашунослик фанининг асосчиларидан бири. Олимнинг "Евгений Онегин" таржимаси ҳақидаги салмоқли ишдан ташқари "Таржималаримиз қандай?" (1934) деган кичик бир мақоласи ҳам шу масалага бағишланган бўлиб, унда ўзбек тилидан рус тилига қилинган айрим таржималар конкрет таҳлил этилган.

О. Ҳошимов ижодида марказий ўринни ишрол этувчи яна икки масала борки, улар нисбатан кичикроқ мақолаларда ёритилган бўлса-да, олимнинг ижодий қиёфасини белгилашда принципиал аҳамиятга эга. Булар – ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, чигатой ва жадид адабиётига бағишланган ишлардир. "Пролетариат адабиёти ва адабий мерос" (1928), "Адабий мерос ва чигатой адабиёти" (1929) каби мақолалар биринчи гуруҳга кирса, "Ҳадиц адабиёти тўғрисида" (1929) деб номланган мақола иккинчи гуруҳга киради. Чигатой ва, айниқса, жадид адабиёти тўғрисидаги фикрлари унинг ўзбек фольклорига ва ўзбек пролетар адабиётига бағишланган ишларидан ҳам ўрин олган.

Биз учун энг муҳими унинг бевосита адабиётшуносликка, фольклоршунослик ва таржимашуносликка бағишланган ишларидир.

О. Ҳошимовни адабиётшунос ва адабий танқидчи сифатида ха-

рактёрлайдиган энг муҳим хусусиятлар нимадан иборат эди?

О.Ҳошимовнинг кенг маънодаги адабиётшуносликка бағишланган ишларида социологик таҳлил, унинг ўз сўзлари билан айтганда, "социал-сиёсий таҳлил" биринчи ўринда туради. Лекин бу гапдан, О.Ҳошимов ҳозир биз тушунган маънодаги социологик таҳлилнинг устаси экан-да, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Унинг ижодидаги социологик таҳлил тўлиғича марксизм-ленинизмнинг синфлар ва синфий кураш назариясига асосланади. У хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин, адабиётнинг барча намуналарида қандайдир синфлар манфаатининг, синфий курашнинг инъикосини кўрди. Шунга кўра, халқ оғзаки ижодининг ўзи "инқилобий-демократик" деб номлаган қанотида эксплуатация қилиниб келган меҳнаткаш халқнинг, халқ китобларида эксплуататор ва босқинчиларнинг, қадимги турк ва илк эски ўзбек адабиётида феодалларнинг, чигатоӣ адабиётида савдо сармоясини асосий яшаш воситаси қилиб олган зодагонларнинг, жаҳид адабиётида миллий буржуазиянинг, пролетар адабиётида ҳокимиятни ўз қўлига олган ишчи-деҳқон синфининг интилишлари, орзу-армонлари акс этган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, фақат меҳнаткаш халқ яратган оғзаки ижод намуналаригина пролетар адабиётига қайсидир даражада ғоявий асос бўла олади. Феодал, чигатоӣ ва жаҳид адабиёти фақат ўз бадиийти билангина пролетар адабиётини бойитиши мумкин. Бу фикрларда давр сиёсатининг муҳирини кўрамыз.

О.Ҳошимов ижодидаги социологизм вульгар социологизм иллатларидан ҳам холи эмас. У, масалан "Уч оға-ини ботирлар" каби асарларда халқ ўз идеалини меҳнаткаш халқ вакиллари образлари орқали ифода этганини қайд этади. Лекин унинг мантиқи нега халқ айнан шу гуманистик идеалларини кўпинча шоҳлар, шаҳзодалар, маликлар ва бошқа аслзодалар образларида тажассум топтирганини тўғри изоҳлашга ожизлик қилади. Қолаверса, бадиий асарнинг соф ғоявий қиймати ҳам синфий қадриятлар билангина эмас, балки энг аввало умуминсоний қадриятлар билан белгиланадиги, О.Ҳошимовнинг "социал-сиёсий таҳлил"и бу ҳақиқатни ҳам четлаб ўтган.

О.Ҳошимов соф олим, соф тадқиқотчи ёки соф мунаққид эмас эди. У кўмхурийн маданий ҳаётида тутган позициясига кўра, давр кун тартибига қўйган масалаларнинг и л м и и ечиминигина эмас, с и ё с и и ечимини ҳам топишга даъват этилган шахс эди. Дейлик, чигатоӣ адабиётига муносабатда А.Фитратнинг бۇтун муросал мадоралар ичдан салқиб турган қарашларини масаланинг ўша пайтдаги энг тўғри и л м и и ечими бўлган эди, деб айтишимиз мум-

кин. Лекин бу қарашлар ҳукмрон сиёсатга ёқмаслиги ва унинг томонидан бутунлай сиңдириб ташланиши, натижада, чигатой адабиётининг оммалаштирилиши ва ўрганилиши янада кучлироқ даражада таққилаб қўйилиши мумкин эди. О.Ҳошимовнинг кўпдан-кўп масалаларида мана шундай ўрта йулни, ҳукмрон сиёсат талаблари билан илм талабларини келиштириш йулини таълаши мана шу ҳисоб-китоблар билан қайсибир даражада боғлиқ бўлган.

"Отажон Ҳошимовнинг халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ва адабий жараёнга муносабати" деб номланган иккинчи бобда олимнинг адабиётимизнинг шу масалалари ҳақидаги фикрлари кўздан кечирилади. У "Халқ оғзаки ижоди адабий мероснинг "энг қийматли" қисми сифатида", "Чигатой адабиёти муаммолари", "Ҳадид ва шўро адабиётига муносабат" деган фасллардан иборат.

Ўзбек халқининг бутун адабий ижодиёти О.Ҳошимов асарларида тўртта қатга қисмга ажратилган. Адабий мероснинг биринчи, олим фикрича "энг қийматли"<sup>1</sup> қисмини ўзбек халқ оғзаки ижоди ташкил этади. Кейингилари - чигатой, жаҳид ва пролетар адабиётидан иборат.

1925-1929 йилларда О.Ҳошимов Маориф Халқ Комиссарлиги қошидаги Бош илмий кенгаш раиси сифатида асосий эътиборни халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ишига қаратди. Унинг фольклорни ўрганишга бағишланган профессионал илмий мақолалари 30-йилларда яратилди.

"Ўзбек фольклорида Ленин образи" деб номланган мақоласида олим асосан Эргаш Ҳуманбулбул углининг "Ўртоқ Ленин" достони ҳақида фикр юритади. Достонда Ленин зўр олим, илм-маърифатни эгаллаш орқасида ўзқни кўра билган раҳбар сифатида тасвирланган. Эргаш шоирнинг Ленин ҳақидаги тасаввурлари бирмунча содда. Эски ва янги ҳаётнинг контраст планда тасвирланиши, ўтмиш ҳаётини "фос қилиш" руҳи, шоирнинг "пролетариат доҳийси" ҳақидаги расмий мафкура тақдим этган тасаввурларга самимий эргашанлигини фикримиз далилидир. Афсуски, "ўтмиш" ва "замона"ни бу хилда қийслашни О.Ҳошимов ҳам ёқлайди, достонда Ленинни фақат донишманд, халқпарвар одам сифатидагина эмас, балки қурашчан, инқилобчи шахс сифатида кўриш истагини ҳам билдиради.

<sup>1</sup> Адабиёт соҳасида илмий излавишлар. I-китоб. О.Ҳошимов таҳрири остида. Тошкент, Ўздавнашр, 1934. -Б-бет (О.Ҳошимов қаламига мансуб "Бош сўз"дан).

Олим В.И. Ленин фикрларига эргашиб, халқ оғзаки ижодини мазмун-мундарижасига кўра "Инқилобий-демократик оғзаки адабиёт" ва "Реакцион аксилинқилобий оғзаки адабиёт" деб иккига ажратди. У "инқилобий-демократик фольклор"ни "ҳақиқий халқ, кенг меҳнаткашлар ижоди, санъатча олий" деб баҳолаётган экан, уни "мазмунан меҳнат ва унинг қураши, инқилобий рух, эксплуататорларни қош қилиш билан тўла, тематик жиҳатдан бой... эзувчиларга қарши қаратилган"<sup>1</sup>, - деб таърифлайди.

Бу хил "ленинча" қарашлари олимни "халқ китоблари" номи билан юргизилувчи асарларни нотўғри баҳолашга олиб келди. У халқ китоблари доирасида маъжуд бўлган "Аббас Муслим", "Юсуф-Аҳмад", "Тоҳир-Зухра", "Муҳаммад Ҳанафия", "Бобо Раъшан", "Иброҳим Адҳам", "Санавбар", "Маликаи Дилором", "Ҳурилик", "Барқа ва Гулшан" каби асарларни "тили бузук, санъатча паст"<sup>2</sup> деб баҳолади. Ҳолбуки, халқ китоблари халқнинг ўзига хос бир маънавий хазинаси, "ўрта асрлар халқ эпик мероси билан классик ёзма адабиётни боғлаб турувчи куприк"<sup>3</sup>дир.

О.Ҳошимов - мумтоз адабиётининг ҳам кенг билимдони ва толмас тарғиботчиси эди. У 1928 йилдаёқ адабиёт ва санъатни муқаррар фалокатдан огоҳ этар экан, қўйидагиларни таъкидлаган эди: "Эски бадий меросни билмаслик ва уни бутунлай инкор қилиш натижасида ихтиро асосли бўлмайди ёки ихтиро қилиш, бошқа йўллар топши қийин бўлади. Ёки ҳозирда давримиз тараққиёти савиясида янги йўл топиш мумкин бўлмай қолади... Ҳозирда инқилобий ўзбек адабиётида шу ҳол кўринмақда"<sup>4</sup>.

Олим адабиётни нафис санъат деб тушунади, мумтоз адабиётининг бадийлигига алоҳида меҳр билан қарайди. "Чигатой адабиёти, - деб ёзади у, - кўп бадий намуналар бергандир. Чигатой адабиётининг бир қанча санъаткор шоирлари бор. Чигатой шоирлари: Навоий, Лутфий, Бобур ва бошқаларнинг санъаткорлиги, ҳусусан, Оврупо туркиётчилари томонидан ҳам тақдир этилгандир"<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ҳошимов О. Ўзбек фольклори тўғрисида. - "Совет адабиёти", 1935, 7-8-сонлар. -104-бет.

<sup>2</sup> Уша мақола. 107-бет.

<sup>3</sup> Саримсоқов Б. Ўрта асрларнинг нодир инжулари (Сузбоши). - Иброҳим Адҳам қиссаси. Тошкент, 1991. -5-бет.

<sup>4</sup> Ҳошимов О. Пролетар адабиёти ва маданий мерос. - "Қизил қалам" мажмуаси. I-китоб. Самарқанд, 1928. -9-бет.

<sup>5</sup> Ҳошимов О. Адабий мерос ва чигатой адабиёти. - "Қизил Ўзбекистон", 1929, 16 июль.

О.Ҳошимов жадид адабиётини ўзбек халқининг эмас, балки фақат ўзбек миллий буржуазияси синфнинг манфаатлари, орзу-интилишлари ифодачиси деб тушунди. Лекин бу қараш олимнинг Қодирий ва Чўлпон асарларида юксак санъат намуналарини кўришига монелик қилмади. Масалан, Чўлпон ҳақида у қуйидаги фикрларни ёзган: "Чўлпон – жадид адабиётининг энг кучли вакили. Чўлпонни жадид адабиётдан айириб таъриф қилиш ярамайди. У вақтда жадид адабиёти "миллатчи, ватанпараст, бадбин" зиёлиларнинг адабиёти бўлиб қолади. Бу, албатта, тўғри эмас... Чўлпон – жуда нозик ҳисли, туйғуларга усталиқ билан бадиий шакл берган, турмушни яхши билган. Авлоний ва Сиддиқий билан ҳеч тенглаштириб бўлмайди... Чўлпонда санъаткорлик, шеърда нозиклик олий"<sup>1</sup>.

О.Ҳошимов жадид адабиёти вакиллари билан бир умр ҳамкор-ҳамнафас бўлиб ишлади. У Фитратни ўзи директорлик қилган Тил ва адабиёт институтига ишга олган ва у тузган "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуасига муҳаррирлик қилган. Унинг раёбати ва ёрдами билан Чўлпон А.С.Пушкиннинг "Дубровский" асарини ўзбек тилига таржима қилган...

О.Ҳошимовнинг 20–30-йиллар адабий жараёнига муносабатини тайин этиш учун унинг "Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари" рисоласини синчиклаб кўздан кечириш лозим.

Рисолада олим адабиётни синфий қураш қуроли деб, пролетар ишининг "ўзвий бир бўлагин" деб билиш оқибаотида бир-бири билан боғлиқ икки хатого йўл қўяди:

1. Адабий ҳодисаларга ҳаддан зиёд сиёсий тўс бериш, бадиий асарларни "пролетарча" мазмуни учун қўллаб-қувватлайвериш.

2. Ҳар қадамда пролетар адабиётининг синфий душманларини излаш.

Лекин умуман О.Ҳошимов адабий танқидчи сифатида ўзбек адабиётида ҳам ҳақиқий реализмни қарор топтириш учун қурашади, шoirнинг "кабинет шoirи" бўлиб қолмаслиги, халқ ичига кириши, завод, фабрика, колхоз ва совхозларга ижодий сафар қилишининггина эмас, балки "турмуш картинкаларини умумлаштира олиши", назарий билишларини "конкрет турмуш билан сўғориши", англаган "ҳақиқатларни адабиётда кўрсатиши", кўрсатганда ҳам "жонли қилиб – образлар воситасида ифодалашини" кераклигини-да талаб этади, бу-

<sup>1</sup> Ҳошимов О. Жадид адабиёти тўғрисида. – "Қизил қалам" мажмуаси. II жилд. Самарқанд-Тошкент, 1929. –17–18-бетлар.

нинг ўлдасидан чиқолмаслик адабиётда ёзакилик ва схематизм каби иллатларни келтириб чиқаришини конкрет фактлар асосида исботлайди.

Учинчи боб "Отажон Ҳошимов ижодида адабиёт назарияси ва методология муаммолари" деб номланади. У "Ижодий метод хусусидаги баҳсларда О.Ҳошимовнинг тутган позицияси" ва "Адабиёт илмининг методологияси ҳақида" деб номланган икки Ҳаслдан иборат.

О.Ҳошимов "метод" атамаси ўрнида дастлаб "ўсул", кейинроқ унинг синоними сифатида "ўслуб" сўзларини қўлади. Давр талабларидан келиб чиқиб, "диалектик моддиончилиқ – материализм ўсули"<sup>1</sup> билан турмуш ва табиат ҳодисаларини изоҳлашга ҳаракат қилди. Унинг қатор мақолаларида: "Пролетариат адабиёти ўслубининг асосий шarti – материалистик дунёга қараш, диалектика материализми ўсули"<sup>2</sup>, – деган фикр бот-бот такрорланди.

Қуриниб турибдики, О.Ҳошимов дастлаб "метод" тушунчасини соф Ҳалсафий категория сифатида, умуман тафаккур ўсули сифатида тушунган. 30-йилларнинг бошида унинг ижодида тафаккур методидан бадий тафаккур методига, метод тушунчасидан ижодий метод тушунчасига, Ҳалсафий категориядан эстетик категорияга ўтиш жараёни кўзга ташланади.

Уша даврда бутун шўро адабиётшунослигида пролетар адабиётининг ижодий методига мақбул бир ном топиш тамоийли авж олган эди. Турли идеологлар, олимлар ва ижодкорлар уни турлича атай бошладилар. Масалан: "янги реализм", "бадий реализм", "асл реализм", "пролетар реализми", "ишчилар синфи бадий ўслуби", "монументал реализм", "тенденциоз реализм", "психологик реализм", "социалистик реализм" ва ҳоказо.

О.Ҳошимов янги адабиётнинг ижодий методини номлаш масаласида ҳам ўз вариантини тақдим этди: "Турмушнинг моҳиятини очиб бератургон ҳам турмушни моҳияти-ла санъатда, адабиётда акс қилатургон ўсул, илмий ўсул ҳам пролетариат усулидирки, унга биз пролетариат реализми (таъкид бизники – И.Ё.) деймиз"<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ҳошимов О. Диалектика ҳам диалектика усулида уйлаш. – "Маориф ва ўқитғувчи", 1925, 3-сон, 7-8-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳошимов О. Адабиётда идеализмга ҳам кўз бўйшага қарши. – "Қизил Ўзбекистон", 1931, 19 апрель.

<sup>3</sup> Ҳошимов О. Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари. Тошкент-Самарқанд, 1933. –28-бет.

Олим "пролетариат реализми"га антагонистик туъумларда яратилган бошқа кўпчилик "усул"ларни қарама-қарши қўйди: "Адабиёт тарихида қўрилганидек, турмушни акс қилувда баъзан яқинлашиш бўлгон бўлса-да (масалан, реализм), пролетариатдан бошқа синфларнинг санъаткорлари ҳам адабиётчилари маълум ижтимоий-иқтисодий сабаблар орқасида турмушни буюб янглиш акс этганлар (символизм, романтизм ва бошқалар)"<sup>1</sup>.

Фақат 1935 йилларга келиб унинг айрим мақолаларида демократик йуналишдаги хаёл парвози – романтик тасвирларни оқлаш ва ёқлаш тамойили кўзга ташланган. Буни олимга М.Горький қарашларининг таъсири билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, совет адабиётшунослиги 20-йилларнинг ўрталаригача маданий-тарихий, психологик, биографик, этик, эстетик, эволюцион, публицистик ва ҳоказо методлардан фойдаланиб келган эди. 1925 йилдан эътиборан адабиётшуносликнинг методологияси масаласида бир-бирига қарама-қарши икки қараш бошқаларидан яққол ажралиб чиқди:

1. "Метод ўз-ўзига яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмайди. Ҳамма гап унинг қандай мақсадда қўлланишидадир. Ҳар бир тадқиқот объекти ўз мазмун-моҳиятига кўра муайян бир методни талаб этади. Тадқиқ қилинаётган объект табиати билан уйғунлик ҳосил қила олган метод энг яхши методдир"<sup>2</sup>.

2. "Метод ҳақиқий илмий дунёқарашга бўйсунishi лозим. Тадқиқ қилинаётган объект табиати ва қўйилган масала фақат муайян илмий дунёқарашнинг воситаси сифатида методнинг қўлланиш усулини белгилайди, холос"<sup>3</sup>.

Бу қарашларнинг қайси бири ўша даврда ҳукмрон сиёсат томонидан "ғолиб" деб саналганлигини бугунги кунда биз жуда яхши биламиз. О.Ҳошимов ҳам адабиётшунослик методини айнан шундай – муайян ғалсафий таълимотнинг ижроҳиси деб тушунди. Бундай асос сифатида марксизм-ленинизмга сулуши эса совет адабиётшунослигини бошқа методларни четга суриб, ижтимоий-сиёсий методни биринчи планга чиқаришга олиб келди.

<sup>1</sup> Ҳошимов О. Ўзбек шуро адабиётининг бир неча ижодий масалалари. Тошкент-Самарқанд, 1933. –28-бет.

<sup>2</sup> Сақулин П.Н. Методологические задачи историка литературы.– Печать и революция. 1925, кн.1. –С.98.

<sup>3</sup> Полянский Вал (Лебедев П.И.). Социологический метод проф. Сақулина. –Вопросы современной критики. М.-Л., 1927. –С.114.

Диссертацияда 20-йилларнинг иккинчи ярмида рус адабиётшунослари ўз методологиясидаги фарқларга кўра тўрт катта гуруҳга ажралганлиги таъкидланган. Улар:

1. ОПОЯЗ гуруҳи публицист танқидчилари ва формал мактаб назарийтчилари (вақти билан Б.Эйхенбаум, В.Щеловский, В.Жирмунский, Ю.Тинянов ва бошқалар).

2. П.Н.Сакулиннинг "социологик метод" назарияси тарафдорлари.

3. Переверзевчилик ёки "вульгар социологизм".

4. Марксистик йўлни таялаган адабиётшунослар – Г.В.Плеханов издошлари.

О.Ҳошимов ижодида кейинги икки гуруҳ вакиллари қарашларининг таъсири кучлироқ сезилади. Биз диссертацияда бу фикрни олимнинг конкрет мўлоҳазалари таҳлили асосида исботлашга ҳаракат қилдик.

Барча чекланганликлари ва биртомонламаликларига қарамай, О.Ҳошимовнинг методологик қарашлари маданий меросни, ўтмишда яшаб ўтган Амир Темури, Хожа Ахрор каби сиймолар ва темурийлар даврининг барча маданият арбоблари фаолиятини илмийлик мезонларидан туриб баҳолаш имконини берган эди.

Диссертациянинг ҳар бир боби "Айрим хулосалар" деб номланган махсус қисм билан яқунланади. Боблар ниҳоятдан ўрин олган хулосалар қўйидагилардан иборат бўлиб, уларнинг I–9–пунктлари I бобга, 10–14–пунктлари II бобга, 15–18–пунктлари III бобга тааллуқли.

I. О.Ҳошим шахсиятининг шаклланишида эрон руҳини олдиндан билган Ҳошим отанинг, миллий эйбллар фаолиятини зийраклик билан қўзатиб борган давлат арбоби Ф.Ҳўжаевнинг хизматлари катта бўлди.

2. Россиянинг Москва ва Ленинград каби марказий шаҳарларида ижод этувчи турлича қарашдаги олимлар, ижодкорлар билан яқин мулоқотда бўлиш, уларнинг ижоди билан танишиш, уларнинг бир қисмидан Ишчилар факультетида ва Қизил Профессорлар институтида бевосита сабоқ олиш, аспирантура даврида бевосита улар раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб бориш О.Ҳошим уни ижодкор сифатида маълумланган наъбатдаги омирдир.

3. Қекса авлодга мансуб эйблларнинг "сўл"чилигига мойил таъбақаси О.Ҳошимга Россияга хайрихоҳлик ва айни чоқда ўзлигини аниқлаш, миллий қадриятларни ўлуғлаш маъносидангина эмас, балки

анъанавий адабиётшуносликнинг зукко билимдонлари сифатида ҳам таъсир курсатдилар.

4. О.Ҳошимов адабий-танқидий ва умуман Ғалсафий қарашларнинг назарий асоси сифатида марксизм-ленинизмни, бу хил қарашларни рағбатлантирган ва тутиб турган ижтимоий-сиёсий куч сифатида Шуролар мамлакатининг ҳукмрон сиёсати ва ҳукмрон мафкурасини курсатиш жоиздир.

5. О.Ҳошимовга муносабатли белгилаб олишда унинг фаолияти, шахсияти, дунёқарashi ва конкрет мулоҳазаларидаги зиддият ва мураккабликларни назардан соқит қилмаслик керак. У Чулпон, Фитрат каби ижодкорларни мадид адабиёти вакили деб билгани ҳолда, улар билан ҳамкор-ҳамнафас бўлиб ишлаган, улар ижоди ҳақида ижобий фикрлар ҳам билдирган.

6. О.Ҳошимовнинг ижодкор сифатидаги қиёфасини белгилувчи бош хусусиятлардан бири унинг таниқли назарийетчи олим бўлганлиги, И.Султон таъбири билан айтганда, "амалиётдан назарийетга кўчиш ва амалиётга назария қанотларини боғлаш"га астойдил интиланлигидадир.

7. О.Ҳошимовнинг адабий танқидчи сифатидаги қиёфаси фақат унинг мақола ва рисолаларидагина эмас, балки ижтимоий фаолиятида ҳам намоён бўлди. У ўзбек фольклори намуналарини ёзиб олишнинг, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини туплаб нашр этишнинг, рус ва жаҳон адабиётидаги кўплаб асарларни ўзбек тилига таржима қилишнинг, жумҳуриятдаги ва ундан ташқаридаги илмий кучларни ўзбек маданиятини ўрганишга ва ўзбек ёшларига турли Ғанлардан сабоқ беришга сафарбар этишнинг фаол ташкилотчиларидан, йўлбошчиларидан бири эди.

8. Марксизм-ленинизм таълимотининг асослари, ленинча маданий инқилоб назарияси, ўзбек тили ва имлоси, ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз (айниқса, чигатой) адабиёти, ўзбек мадид адабиёти, ўзбек пролетар адабиёти, шуро давридаги ўзбек таржимачилиги – О.Ҳошимовнинг фикрини банд этган асосий жабҳалар мана шулардан иборат. Бу қарашларда ўз даврининг муҳри билан изоҳланувчи камчиликлар йўқ эмас, албатта.

9. О.Ҳошимовнинг адабиётга бағишланган ишларида ҳам марксизм-ленинча синфий кураш назариясига асосланган социологик таҳлил биринчи ўринда туради. Лекин унинг ижодида адабиётнинг хос хусусиятини идрок этиш йўлидаги уринишлар, қатор жонли кузатиш ва таҳлиллар ҳам оз эмас.

10. Ҳақиқий илмий тасаввурлар нуқтан назаридан ҳар қанча жун

ва жоҳилона туюлмасин, 20-30-Йилларда Шўролар мамлакати зиё-лилари олдида маданий меросга, жумладан, Ҷоьлклорга муносабат-ни белгилаб олиш, у бизга керакми-Йўқми, керак бўлса, қайси қисми, нега ва қай даражада керак, деган саволларга жавоб топши масаласи турган эди. Бу масалада учта йўл бор эди - уни ё тўла қабул қилиш, ё тўла инкор этиш, ё қисман оқлаб, қисман қоралаш мумкин эди. Амалда ҳам шўро зиёлилари мазкур масалани ҳал этиш-да уч гуруҳга ажралдилар. О.Ҳошимов ҳукмрон сийёсат ва унинг ҳукмрон мафқураси маъқуллаган, ўзининг илмий тайёргарлиги ҳам тақозо этган ўрта йўлни - маданий меросни, жумладан, Ҷоьлклорни танқидий урганиш йўлини танлади.

II. О.Ҳошимов халқ оғзаки ижодига муносабат масаласида В.И.Ленин ва А.М.Горький каби идеологларнинг қарашларига эргаш-ди, "пролетариат доҳийси"нинг "ҳар бир миллий маданиятда икки маданият бор"лиги ҳақидаги фикрларига содиқ қолиб, ўзбек Ҷоьл-клорини ҳам "инқилобий демократик оғзаки адабиёт" ва "реакцион аксилинқилобий оғзаки адабиёт" деб икки қисмга ажратди. Синфий-лик мезонини ва мафқуравий жиҳатларни биринчи планга чиқариш уни баъзи Ҷоьлклор асарларининг ғоявий-бадий қимматини тўғри белги-лай олмасликка, масалан, ўзбек халқ оғзаки ижодида маълум муд-датгина шухрат қозонган "Ўртоқ Ленин" каби асарларни "ҳам санъ-ат, ҳам мазмун жиҳатидан муҳим" деб улўғлашга, "халқ китоблари" номи билан юритилувчи бўтун бошли бир маънавий хазинани "тили бузук, санъатча паст" каби асоссиз танқидлар билан инкор этишга олиб келди.

II. О.Ҳошимов мумтоз адабиётимиз ўзининг жанрлар системаси билан, базн, қофия ва бадий услуб борасида тўплаган тажрибала-ри билан, ўзбек бадий тилини ишлашдаги анъаналари билан проле-тар адабиётини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшиши мумкин, деб ҳисоблади. Уни коллектив бўлиб, тартибли равишда ўрганиш шиори билан чиқиб, бу ишларга ўзи йўлбошчилик қилди. Олим фикри-ча, мумтоз адабиётни ўрганиш уч босқичли жараён бўлиб, у матери-ал билан атрофилича танишшни, уни тўплам ва нашр этишни, у ҳақда илмий тадқиқот ишлари олиб боришни ўз ичига олади.

III. О.Ҳошимов жадиц адабиётини синфий мансубият нуқтаи на-заридан миллий буржуазия манфаатлари билан боғлади, қайсидир маънода уни пролетар адабиётига қарши қўйди. Лекин олим жадиц адабиётининг қатор ютуқларини эътироф этди, унинг Қодирий, Чўл-пон каби вакиллари ижодида шоирона қалбни, чинакам маънодаги сўз

санъатини кўра олди. Жадид адабиёти ҳақидаги фикрларида баъзан қалтис оҳанглар кўзга ташланиб қолган бўлса-да, унинг вакилларига пролетариат диктатурасининг амалий муносабатини белгилаш масаласи кўн тартибига қўйилганда, "уларни тарбиялаш мумкин" деган ғоя билан чиқди. Ўз амалий фаолиятида умрининг охирларигача ҳам улар билан ҳамкорликни давом эттирди.

14. Пролетар адабиётининг мазмунига О.Ҳошимов ҳам ҳаддан ташқари сиёсий тус берди, дунёқараш масаласини доимо биринчи планга қўйди, бунда баъзан бадиий тафаккурнинг спецификасига бирёқлама қаради. Ўрни билан ўзи мансуб бўлган адабий жараёндан пролетар маданиятига ёт унсурларни излади, лекин жадид адабиёти вакиллари тарбиялаш мумкин, деб ҳисоблагани каби, "Йулловчи" (попучик)ларнинг ҳам ҳар бирга индивидуал ёндошиш, чуқур илмий текширишлар асосида ҳулоса чиқариш, энг муҳими, уларни "ўзимиздан", яъни пролетар маданияти вакиллари билан бездирмаслик, аксинча, "ўз сафимизга" қўшишга ҳаракат қилиш керак, деб таъкидлади. Пролетар адабиётида пайдо бўлаётган юзаклик ва схематизм, умумий гапларга зўр бериш ва сохта оптимизм каби иллатларни ўз вақтида илғаб, уларга қарши курашишга ҳаракат қилди.

15, 20–30-йилларда Шурулар мамлакатда адабиёт назариясининг энг муҳим муаммоси ижодий метод масаласи бўлган эди. О.Ҳошимов "метод" атамаси ўрнида дастлаб "ўслуб" ва "ўсул" сўзларини қўллади ва "пролетариат адабиёти ўслубининг асосий шarti – диалектика материализмидир" деган фикрни ҳимоя қилди. Кейинроқ у умуман ҳар қандай тафаккурнинг методи ҳақидаги фалсафий категориядан бадиий тафаккур методини инфодаловчи эстетик категорияга етиб келди ва "пролетар адабиётининг ижодий ўсули – пролетариат реализмидир" деган (биз ҳозир унинг янглиши эканини тушуниб етганкиз) қарашини илғари сўрди.

16. Ижодий метод борасида олим билдирган фикрларнинг энг катта камчилиги ёки энг муҳим чекланганлиги шунда эдики, у фақат реализмнигина ижобий баҳолади, романтизм, символizm ва бошқа ижодий методлар воқеликни бузиб акс эттиради, деб ҳисоблади ва шундан келиб чиқиб, уларга салбий муносабат билдирди.

17. 20–30-йилларда рус адабиётшунослигида тўрт йўналиш ўз методологияси билан яққолроқ ажралиб турган эди. Булар – формал мактаб, социологик йўналиш, вўльгар социологизм ва плехановча марксистик йўналиш. О.Ҳошимов ижодида Г.В.Плеханов йўлидаги марксистик адабиётшуносликнинг ва вўльгар социологизмнинг таъсирини кучлироқ.

18. Марксча-ленинча методологияни Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб системали равишда адабиётни ўрганишга тадбиқ этган олим ўз даврида ўқтин-ўқтин марксча методологияни инкор этишда, ундан бутунлай оғиб кетишда айбланиб турган. О.Ҳошимов шахсияти ва ижодини, унинг сафдошлари ва замондошлари хизматини тўғри баҳолаш учун улар яшаган сиёсий вазиятнинг мана шу мудҳиш томонлари ҳам албатта эътиборга олиниши керак.

Ишнинг "Ҳотима" қисмида диссертант адабий танқид тарихини ўрганишнинг қатор принциплари ҳақида ўз камтарона тажрибаларига ҳам суяниб мулоҳаза юритади. Уларни қисқача шундай баён этиш мумкин:

1. Адабий танқид тарихини жамиятнинг умумий тарихидан ажратиб олиб ўрганиб бўлмайди. 20-30-йиллардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт ўша давр адабий танқидчилигининг кифофасини ҳам белгиллаган.

2. Танқид тарихини ўрганишга киришган тадқиқотчи мунаққид ёки мунаққидларнинг ижодий меросини ўрганиш билан чекланмай, улар ҳаётига, шахсиятига, фаолиятининг бошқа барча қирраларига алоқадор ҳужжатларни имкон қадар тўла кўздан кечириб чиқиши ва бунда барча маълумотларга танқидий ёндашиш йулидан бориши керак. Агар О.Ҳошимовнинг ўз қўли билан ёзилган "Таржимаи ҳол"ни узиб-кесиб ҳақиқат деб қабул қилинганда, унинг илғор фикрли савдогар оила-сидан чиққанлиги факти эътибордан четда қолиши ҳам мумкин эди.

3. Танқид тарихининг ҳам ўз тараққиёт бооқичлари борки, уларнинг бетакрор хусусиятларини доимо кўзда тутиб фикр юритиш керак. 20-30-йиллар адабий танқидчилиги танқидчилигимиз тарихининг шундай бир ўзига хос босқичи, у мунаққидларнинг турли қарашлардаги ўқшма, тугарак ва ташкилотларга бирикканлиги билан, адабий ҳаётдаги ҳаёт-мамат масаласига айланган қурашлар билан, бу турли-туманлиқларнинг кейинчалик тоталитар система томонидан маҳв этиб ташланганлиги билан ажралиб туради.

4. Адабий танқид тарихининг мулкига айланган мероснинг конкрет мазмунини баҳолашда икки муҳим мезондан келиб чиқиш керак. Биринчиси - ҳар қандай фикрга ўз даври нуқтаи назаридан, ўша даврдаги бошқа қарашларга қиёсан баҳо бериш. Иккинчиси - ўша фикрларнинг бугунги кун учун, умуман, илмий тараққиёт ушун қимматини очиб бериш. Шу икки мезонга барабарига амал қилинмаса, О.Ҳошимовнинг маданий меросга муносабат масаласидаги соф "шўроча" қарашлари ҳам ўз даврида ҳар қалай уни бутунлай инкор этишга нисбатан илғорроқ позиция бўлганлигини исботлаб бериб бўлмас эди.

Ишнинг асосий мазмуни қуйидаги мақолалар ва матбуза тезисларида ўз аксини топган:

1. Отажон Ҳошимовнинг илк танқидий мақоласи. - "Ўзбек тили ва адабиёти", 1992, 3-4-сонлар.

2. 20-30-йиллар адабий танқидчилигида Отажон Ҳошимовнинг тутган ўрни. - Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 1990.

3. Отажон Ҳошимовнинг халқ тили ва оғзаки ижоди ҳақидаги қарашлари. - Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 1991.

4. Адабиёт ва санъат соҳасида ленинча концепцияга бир назар. - Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 1992.

5. Маданий мерос - бебаҳо бойлигимиз. - Қўқон Педагогика институтида ўтказилган конференция материаллари. Қўқон, 1991.

## РЕЗЮМЕ

Диссертация Якубова И.А. "Литературно-критическая деятельность Атаджана Хашимова" посвящена комплексному изучению наследия одного из ведущих представителей общественной, культурной, научной и литературной жизни Узбекистана 20-30-х годов.

Работа состоит из введения, трех глав, заключения и списка использованной литературы.

Во введении обоснована актуальность темы, определены цель и задачи, объект, теоретические и методологические принципы, научная новизна, теоретическая и практическая значимость исследования, а также освещена степень изученности вопроса.

В первой главе "Общественно-научная деятельность Атаджана Хашимова", состоящей из трёх разделов, на основе обширного материала архивного и мемуарного характера анализируются многие как исследованные, так и до сих пор не получившие освещения факты жизни и творчества ученого. Это дало диссертанту основания переосмыслить ряд устоявшихся в литературоведении воззрений и оценок и убедительно доказать достоверность полученные выводы. Так, например, А.Хашимов отнюдь не был выходцем из дехкан как он сам заявлял об этом в своей "Автобиографии", а был сыном богатого купца.

Многие его утверждения не всегда соответствовали его личным убеждениям, а были результатом его стремления к примирению научных решений того или иного вопроса с их политическим решением в условиях господствующего тоталитарного режима.

Вторая глава посвящена изучению "Отношения Атаджана Хашимова к устному народному творчеству, к классической и современной литературе узбекского народа". Она состоит из трех разделов, в которых раскрываются общее повторяемое во взглядах ученых, придерживавшихся марксистско-ленинской направленности положения и частные особенные выводы, обусловленные различием фольклорного и литературного материала. Социологический или как он сам определил, "социально-политический" взгляд на литературу превалирует во многих работах А.Хашимова, однако это не помешало ученому увидеть художественные достоинства многих образцов узбекского фольклора, творчества таких великих поэтов узбекской классической литературы, как Лутфи, Навои, Бабур, а также представителей джадидской литературы - Кадыри и Чулпана.

Третья глава "Вопросы теории литературы и методологии лите-

ратуроведения" состоит из двух разделов. Исходя из того очевидного факта, что главной проблемой так называемой "советской" теории литературы 20-30-х годов был вопрос о творческом методе литературы, в первом разделе диссертант уделяет основное внимание анализу взглядов А.Хашимова на творческие методы узбекской классической, джадидской и пролетарской литератур. Здесь рассматривается процесс превращения в творчестве литературоведа метода мышления как философской категории в эстетическую категорию, обозначающуюся метод художественного мышления. Вместе с тем диссертант объективно раскрывает и ограниченность взглядов ученого как на категорию метода художественной литературы, так и на методологию литературоведения: А.Хашимов положительно оценивал только метод реализма - отвергая как метод романтизм, символизм и др., в основе которых по его мнению, лежало искаженное отражение жизненной правды, а в вопросах методологии единственно верной основой он считал только марксистско-ленинскую.

Каждая глава завершается своеобразным подразделом "Некоторые выводы", которые содержат конкретные заключения, основанные на наблюдениях и анализе.

В традиционной заключительной части диссертации представлены теоретические обобщения полученных результатов и выводов.

Основное содержание диссертации отражено в 5 статьях и тезисах докладов, опубликованных в республиканских изданиях и различных сборниках.